

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УТЕМУРАТОВ МАХСЕТ МАРАТОВИЧ

**МУАЛЛАҚ ЧЎКИНДИЛИ СУВ АРАЛАШМАСИНИ ЎЗАТИШ
ШАРОИТИДА НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ҚУВУР
ЎТКАЗГИЧЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ҲИСОБИ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Утемуратов Махсет Маратович

Муаллақ чўкиндили сув аралашмасини ўзатиш шароитида
насос станциялари қувур ўтказгичларининг гидравлик
ҳисоби..... 3

Утемуратов Махсет Маратович

Гидравлический расчет трубопроводов насосных станций
в условиях подачи смеси воды со взвешенными
наносами..... 21

Utemuratov Makhset Maratovich

Hydraulic calculation of pumping stations' pipelines under
condition of supply a mixture of water with suspended
sediments..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УТЕМУРАТОВ МАХСЕТ МАРАТОВИЧ

**МУАЛЛАҚ ЧЎКИНДИЛИ СУВ АРАЛАШМАСИНИ ЎЗАТИШ
ШАРОИТИДА НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ҚУВУР
ЎТКАЗГИЧЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК ҲИСОБИ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Т.134 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудов Илхомжон Эрназарович
техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Гловацкий Олег Яковлевич
техника фанлари доктори, профессор.

Рахимов Қудратжон Тошботирович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 й. «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-22-67, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-22-67.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Султонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

А.М. Арифжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда насос станцияларининг напорли қувурларида сув билан муаллақ чўкиндиларнинг напорли ҳаракати жараёнида вужудга келадиган гидравлик қаршилиқларни аниқлаш, биоген элементларнинг чўкма ҳосил қилиш динамикасининг гидравлик моделини такомиллаштириш усулларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан қувур узунлиги бўйича чўкиндилар шаклланиши жараёнини ҳамда улар таъсирида вужудга келадиган гидравлик қаршилиқларни аниқловчи аналитик тенгламалар ҳисоблаш усулини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, жумладан АҚШ, Германия, Россия, Хитой ва бошқа иқтисодий ривожланган давлатларда таркибида чўкиндилар миқдори кўп бўлган сувни кўтариш шароитларида ишлайдиган насос станцияларини лойиҳалаш ва уларнинг ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида чўкиндиларнинг уларга таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда насос станцияларининг напорли қувурларида сув билан муаллақ чўкиндиларнинг напорли ҳаракати жараёнида вужудга келадиган гидравлик қаршилиқларни аниқлаш, биоген элементларнинг чўкма ҳосил қилиш динамикасининг гидравлик моделини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, қувур узунлиги бўйича чўкиндиларнинг қатлам қалинлигини аниқловчи аналитик тенгламалар ҳисоблаш усулини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси ҳаракатида босимли қувур ўтказгичга ишқаланишига таъсир этувчи гидравлик қаршилиқ қийматини ҳисоблаш, босимли сув қувурида барқарор напорли суюқлик ҳаракатининг тенгламаси асосида сув оқими ва муаллақ чўкиндилар аралашмасининг ҳаракатланиши шароитида босим йўқолишини аниқлаш, қувурларнинг ичидаги чўкинди чўкмаларини биокоррозиявий жараёнларнинг ривожланишига таъсирини асослаш зарур вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикада сув ресурсларидан, гидротехника иншоотлардан самарали фойдаланиш ва ирригация насос станциялари напорли қувурларининг мустаҳкамлигини таъминлаш, уларда биоген элементларнинг чўкиши натижасида вужудга келадиган биологик коррозиянинг олдини олиш, чўкиндиларнинг концентрациясини ҳисобга олган ҳолда напорли қувурлардаги гидравлик қаршилиқларни аниқлашда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «.....миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун

мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан насос станцияларининг напорли қувурларида сув билан муаллақ чўкиндиларнинг ҳаракати жараёнида вужудга келадиган гидравлик қаршиликларни аниқлаш, биоген элементларнинг чўкиш динамикасининг гидравлик моделини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2947-сон «2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора - тадбирлари дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаллақ чўкиндили табиий сув оқимларида сув оқими ҳаракатининг турғунлашиши масалалари билан А.М. Арифжанов, К.Ш. Латипов, Ж.Ф. Файзуллаев, А.А. Хамидов, С.И. Худайкулов ва бошқа олимлар изланишлар олиб боришган. Майда заррачаларнинг насос станциясининг асосий иншоотларининг ишлашига, насос агрегати ва қувур ўтказгич ва умуман унинг иш унумига негатив таъсири муаммоларини ўрганиш бўйича М.Р. Бакиев, М.А. Мамажанов, М.М. Мухаммадиев О.Я. Гловацкий, Р.А. Очилов, Ш.Х. Рахимов ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришган.

Кўп компонентли муҳит кўринишидаги муаллақ чўкинди аралашма учун гидродинамик тенгламалар тизимини тузиш масалалари билан Ф.И. Франкль, Г.И. Рабенблат ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Кўп фазали напорли оқимларда сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмасининг ишқаланишдаги ва маҳаллий гидравлик қаршилик миқдорларига таъсирини баҳолаш масалалари билан Х.А. Рахматуллин, Н. Rouse, S. Ince, С.Л. Съянов, С.Н. Харламов ва бошқалар изланишлар олиб боришган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда таркибида жуда кўп миқдордаги муаллақ чўкиндилар бўлган сувни узатаётган насос станцияси напорли қувур ўтказгичида гидравлик қаршиликнинг ўзгаришини аниқлаш, сув оқими ва муаллақ чуқиндилар аралашмасининг ҳаракатланиши жараёнида босим йўқолишини аниқлайдиган гидравлик қаршиликлар қиймати ўзгаришининг сув сарфи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

қийматига боғлиқлик тенгламасини ишлаб чиқиш, микробиологик тадқиқотлар натижасида қувурларнинг ички қисмидан олинган намуналарда темир кемирувчи биологик емириш хусусиятига эга микроорганизмлар мавжудлигини аниқлаш ҳамда напорли қувурларни реконструкция қилиш ҳаражатларини камайтириш мақсадида биокоррозиявий жараёнларнинг асосий манбаларини йўқотиш бўйича амалий тавсиялар бериш, насос станцияларининг напорли қувурларида биоген элементларнинг чўкма ҳосил қилиш динамикасининг гидравлик моделини ишлаб чиқиш ҳамда унинг сонли экспериментини натурада олинган натижалар билан таққослаш ва уларни инобатга олган ҳолда амалиётда ишлаб чиқаришга тавсияномалар бериш, ва уларни амалиётда қўллаш масалаларини ҳал қилиш каби муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №13.88 “Сув объектларини ҳавфсиз фойдаланишнинг илмий методик асосларини ишлаб чиқиш” (2003-2005) ва №А7-ФА-1-15518 “Трансчегаравий Амударё ҳавзасида сув хўжалиги ҳолати мураккаблашганда Ўзбекистон Республикасини турғун сув билан таъминлашнинг илмий-услубий асосларни яратиш” (2012-2014) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади муаллақ чўкиндили сув аралашмасини ўзатиш шароитида насос станциялари қувур ўтказгичларининг гидравлик ҳисобини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси ҳаракатида босимли қувур ўтказгичга ишқаланишига таъсир этувчи гидравлик қаршилик қийматини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

босимли сув қувурида барқарор напорли суюқлик ҳаракатининг тенгламаси асосида сув оқими ва муаллақ чўкиндилар аралашмасининг ҳаракатланиши шароитида босим йўқолишини аниқлайдиган ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

қувурларнинг ички қисмидаги чўкиндиларнинг биокоррозиявий жараёнларнинг ривожланишига таъсирини асослаш;

насос станцияларининг босимли қувурларида биоген элементларнинг чўкма ҳосил қилиш динамикасининг гидравлик моделини яратиш;

яратилган модель асосида напорли қувур узунлиги бўйича чўкиндиларнинг қатлам қалинлиги миқдорини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон ва Қўмқурғон туманларида жойлашган “Аму-Занг-2”, “Боботоғ” ва “Шеробод” насос станцияларининг напорли қувурлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети насос станцияси напорли қувурлардаги транспорт қилинаётган сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси, аралашма таъсирида вужудга келадиган гидравлик қаршиликлар, сув аралашмаси таркибидаги биологик моддалар таъсирида қувур деворларининг емирилиши (коррозияси) ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида экспериментал, далакузатув усуллари, ҳамда гидравликада умумий қабул қилинган усуллар, гидромеханика қонунлари асосида математик ва гидравлик моделлар тузиш ва уларни сонли ҳисоблаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув билан муаллақ чўкиндиларнинг напорли ҳаракати жараёнида вужудга келадиган гидравлик қаршиликларни аниқлаш усули эмпирик тенгламалари асосида такомиллаштирилган;

напорли қувурларда сув билан бирга муаллақ чўкиндилар ҳаракати жараёнидаги напор йўқолиши миқдорини ҳисоблаш усули текис ҳаракат қонунияти асосида такомиллаштирилган;

насос станцияларининг напорли қувурларида биоген элементларнинг чўкма ҳосил қилиш динамикасининг гидравлик модели сув ва лойқа аралашмаси массасининг гидродинамик тенгламалари асосида такомиллаштирилган;

қувур узунлиги бўйича чўкиндиларнинг қатлам қалинлигини ҳисоблаш усули конвектив диффузия назарияси асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

напорли қувурларда сув билан бирга муаллақ чўкиндилар ҳаракати жараёнида вужудга келадиган гидравлик қаршилик ва босим йўқолишларини ҳисоблаш имконияти яратилган;

напорли қувурларда қувур узунлиги бўйича чўкиндиларнинг қатлам қалинлигини баҳолаш имконияти яратилган;

напорли сув қувурида сув оқими ва муаллақ чўкиндилар аралашмасининг ҳаракатланиши шароитида аралашма сарфи ва напор йўқолиши ўртасидаги график боғлиқликларини олиш имконияти яратилган;

насос станцияларининг напорли қувурларида биоген элементларнинг чўкма ҳосил қилиш динамикасининг гидравлик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаллақ чўкиндилар сув аралашмасини ўзатиш шароитида насос станциялари қувур ўтказгичларининг гидравлик ҳисобини такомиллаштиришда гидравликанинг классик усулларида ҳамда тажриба натижаларини олишда математик статистика услубларидан фойдаланилиб тажриба таҳлил этилганлиги, олинган гидравлик боғлиқлик ифодаларнинг ва гидравлик моделларнинг сонли ечимлари “Аму-Занг-2”, “Боботоғ” ва “Шеробод” насос станциялари напорли қувур ўтказгичларининг маълумотлари асосида олинганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти цилиндрлик қувурдаги оқимнинг барқарор текис ҳаракати тенгламаси асосида сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси ҳаракати шароитида напор йўқолишлари, барқарор текис ҳаракатнинг асосий тенгламасини қўллаш асосида сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмасининг напорли қувурдаги гидравлик қаршилик ўзгаришининг сув сарфи ва чўкиндилар концентрацияси ўзгаришига нисбатан боғлиқлик қонуниятини аниқлаш ҳамда насос станцияларининг напорли қувурларида биоген

элементларнинг чўкма ҳосил қилиш динамикасининг гидравлик моделини ишлаб чиқиш орқали напорли қувурлардан фойдаланишда уларнинг ишончлилигини ошириш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лаборатория тадқиқотлари натижасида гидравлик қаршилиқлар қиймати ўзгаришининг сув сарфи қийматига нисбатан эмпирик боғлиқликлари ҳамда қувурларнинг ички қисмидан олинган намуналарда ўтказилган микробиологик тадқиқотлар натижасида кислота ҳосил қилувчи ва темир кемирувчи бактерияларнинг мавжудлигини аниқлаш ва напорли қувурларни реконструкция қилиш харажатларини камайтириш мақсадида биокоррозиявий жараёнларнинг асосий манбаларини йўқотиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш асосида иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Насос станцияси напорли қувурларида сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмасининг ҳаракатланиши шароитида текис ҳаракатнинг асосий тенгламаси бўйича олинган натижалар асосида:

сув билан муаллақ чўкиндиларнинг напорли ҳаракати жараёнида вужудга келадиган гидравлик қаршилиқларни аниқлаш имконини берадиган такомиллаштирилган гидравлик ҳисоблаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Сурхон ирригация тизими ҳавза бошқармаси “Аму-Занг-2”, “Боботоғ” ва “Шеробод” насос станциялари напорли қувурларига жорий қилинди (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 02/30-193-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари насос станциялари напорли қувурларининг ишчи напорини аниқлаш имконини берган;

насос станцияларининг напорли қувурларида биоген элементларнинг чўкма ҳосил қилиш жараёни динамикасини башорат қилувчи гидравлик модел асосида олинган такомиллаштирилган гидравлик ҳисоблаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Сурхон ирригация тизими ҳавза бошқармаси “Аму-Занг-2”, “Боботоғ” ва “Шеробод” насос станциялари напорли қувурларига жорий қилинди (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 02/30-193-сон маълумотномаси). Натижада насос станциялари напорли қувурларда қувур узунлиги бўйича тақсимланган чўкиндиларнинг қатлам қалинлигини аниқлаш имкони яратилган;

напорли қувурларни биологик коррозиядан химоя қилишнинг катодли химоялаш усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Сурхон ирригация тизими ҳавза бошқармаси “Аму-Занг-2”, “Боботоғ” ва “Шеробод” насос станциялари напорли қувурларига жорий қилинди (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 02/30-193-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида насос станциялари напорли қувурларида биологик коррозиянинг тезлигини 95%га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Насос станциялари гидротехник иншоотларини ишлашига бағишланган тадқиқотлар ишларини кўриб чиқиш”** деб номланган биринчи бобида кўрсатилган муаммони ёритиш бўйича илмий адабиётларнинг тўлиқ таҳлили берилган. Сен Венан (С.Х. Абальянц, А.Б. Бегматов, И.Б. Бегимов, Э.Ж. Махмудов, Ш.Х. Рахимов ва бошқалар) нинг бир ўлчамли тенгламасидан фойдаланиб чўкиндиларни ўтказиш ва узан деформацияси масалаларининг қисман ечимлари мавжуд. Таркибида муаллақ чўкиндилар мавжуд бўлган табиий сув оқимларида сув оқимнинг барқарор ҳаракати А.М. Арифжанов, К.Ш. Латипов, Ж.Ф. Файзуллаев, А.А. Хамидов, С.И. Худайкулов ва бошқа олимларнинг ишларида тўлиқ ўрганилган бўлиб, у ишларда таркибида майда заррачалар бўлган сув оқимининг гидравлик параметрларини аниқлаш бўйича аналитик ифодалар тузилган.

Насос станциялари аванкамерасининг ишлаши О.Я. Гловацкий ва М.А.Мамажановларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган, унда майда заррачали оқимнинг ҳаракат жараёнини моделлаштириш билан бирга сув қабул қилгичга сувни ўзатиш шароитини оширишга имкон берувчи бир қанча конструктив ечимлар таклиф этилган. М.А.Мамажанов Наманган вилоятидаги Турақўрғон-2 насос станцияси аванкамераси ишлашининг дала кўзатув тадқиқот натижаларини келтирган.

Гидравлика, насос ва насос станциялар бўйича чоп этилган дарсликларда насоснинг сўрувчи қувурнинг гидравлик ҳисоблаш схемаси таърифи берилган. Шунинг билан бир қаторда илмий адабиётларда насос станцияларнинг қувур ўтказгичларидаги гидравлик қаршилик катталигининг ўзгаришини аниқлаш ишларига эътибор берилмаган. Бу масала жуда муҳим ҳисобланади, чунки ўзатилаётган сув таркибида муаллақ чўкиндиларнинг бўлиши гидравлик қаршиликнинг ошишига олиб келиб, насоснинг напорини ва сув кўтариш қобилиятини камайтиради.

Иккинчи **“Муаллақ чўкинди ва сув аралашмасини кўтариш шароитларида насос станцияларидан фойдаланиш”** деб номланган бобида фонд материаллари ва адабиёт манбаларининг таҳлили асосида насос станцияларига сув олинадиган сув манбаларининг гидрогеологик шароитлари ўрганилган. Г.И. Баренблатт, М.Р. Бакиев, Н.В. Бернацкая, М.А. Великанов, В.Н. Гончаров, А.Н. Гостунский, К.В. Гришанин, А.М. Мухамедов ва бошқа олимларнинг ишларида насос станцияларининг асосий сув олиш манбаларининг гидрогеологик хусусиятлари етарлича ёритиб берилган. М.Р. Бакиев, О.Я. Гловацкий, Р.А. Очилов, И.Ф. Беглов,

Ю.А. Ибад-заде, Т.В. Колесникова, М.А. Мамажанов, М.М. Мухаммадиев ва бошқа олимларнинг ишларида насос станцияларнинг асосий иншоотларининг таркибида муаллақ чўкиндилар кўп бўлган сувни ўзатишдаги келтирувчи канал, аванкамера ва сув қабул қилиш иншоотларининг ишлаш шароитларининг тахлили келтирилган. Бу ишлар маълумоти бўйича 7354та насос станциялардан 5546таси ички хўжалик тизимдалиги кўрсатилиб, жуда кўп муаллақ чўкиндилари бўлган Амударё ва Зарафшон дарёлари сувларини юқорига узатиши аниқланган. Муаллақ чўкиндиларнинг кўпчилиги аванкамералар ва сув қабул қилиш иншоотларида чўкиб қолиши аниқланган. Бу сув ўтказиш имкониятини камайтириши билан боғланган бўлиб, ўз навбатида ҳаволи воронка ҳосил бўлишига, насос станциясини иш унумини пасайишига ва насос агрегатида кавитация ҳосил бўлишига олиб келган.

“Давсувхўжаликназорат” Давлат инспекцияси фонд материаллари ва М.Р. Бакиев, М.А. Мамажанов, М.М. Мухаммадиев ва бошқаларнинг илмий ишлари ўрганилиб, уларга кўра агар насос агрегатигача заррачаларнинг диаметри 0,01 мм дан катта муаллақ чўкиндилар чўкиб қоладиган бўлса, унда диаметри 0,01 мм дан кичик заррачалар напорли қувур ўтказгичга ва кейинчалик напорли бассейнга ўтади. О.Я. Гловацкий, М.А. Мамажанов, Р.А. Очилов, Ш.Х. Рахимов ва бошқаларнинг ишларида майда заррачаларни насос станциясининг асосий иншоотларининг ишлашига насос агрегати ва қувур ўтказгич ва умуман унинг иш унумига негатив таъсири ҳақида тадқиқот натижалари етарлича келтирилган. Уларга кўра сув таркибидаги муаллақ чўкиндилар насос станциясининг мустаҳкам ишлашининг пасайишига олиб келадиган муҳим фактор ҳисобланиши аниқланган. Шунинг билан бирга насос станциясидан ишончли фойдаланишда напорли қувур ўтказгичларнинг бузилиш сабаблари ўрганилмаган фактор бўлиб қолмоқда.

Учинчи **“Сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмасининг напорли ҳаракатида напорнинг ишқаланишда йўқотилиши”** деб номланган бобида муаллақ чўкинди ва сув аралашмаси оқими ҳаракатида ишқаланиш кучининг таъсири кўриб чиқилган. Қувур ўтказгич деворларига сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси оқими томонидан кўндаланг ўринма ишқаланиш кучланиши ҳўлланган қувур периметри бўйлаб доимийлиги $\tau_0 = const$ шarti қабул қилинган.

Напорли қувур ўтказгичда $\mu_{см}$ ёпишқоқлик; $\rho_{см}$ зичлик; $V_{см}$ ўртача тезликга эга бўлган дисперсли аралашма ҳаракати кўриб чиқилади. Бунда

$$\mu_{см} = f_1\mu_1 + f_2\mu_2; \rho_{см} = \rho_1 + \rho_2; \rho_n = \rho_n f_n,$$

бу ерда: f_n ва ρ_{n_i} - концентрация ва фазаларнинг ҳақиқий зичликлари.

Аралашма ишқаланиши билан асосланган ўринма кучланиши қувур девори бўйлаб аралашма фазасини ташкил этадиган алоҳида ўринма кучланишидан иборат $\tau_o = \tau_{o1} + \tau_{o2}$.

Аралашманинг бир текис ҳаракати учун сув V_1 ва муаллақ чўкиндилар V_2 , шунингдек аралашма V ҳаракат тезликлари қувур бўйлаб доимийдир. Унда бундай ҳисоблаш мумкин

$$\left[\alpha_1 \frac{\rho_1 V_1^2}{2} + \alpha_2 \frac{\rho_2 V_2^2}{2} \right]_I = \left[\alpha_1 \frac{\rho_1 V_1^2}{2} + \alpha_2 \frac{\rho_2 V_2^2}{2} \right]_{II} \quad (1)$$

бунда α_1 ва α_2 (α_k ҳар доим >1) – кинетик энергия коэффициентлари ёки (Кориолис коэффициентлари) мос равишда сув ва майда заррачалар ҳаракат тезликларини нотекис тақсимланишини эътиборга олувчи тузатиш коэффициентлари; ρ_1 ва ρ_2 - мос равишда сув ва чўкиндиларнинг келтирилган зичликлари; V_1 и V_2 - мос равишда сув ва чўкиндиларнинг ўртача ҳаракат тезликлари.

Аралашманинг ўртача тезлиги учун маълум бўлган оқимни напорли бир текис ҳаракатини ҳисоблаш схемасидан фойдаланиб қўйидагини ёзамиз:

$$V_{cm} = \frac{V_1 + \frac{f_2}{f_1} \hat{\rho} V_2}{1 + \hat{\rho} \frac{f_2}{f_1}}, \quad \hat{\rho} = \frac{\rho_{2i}}{\rho_{1i}}. \quad (2)$$

Энди аралашмани турбулент ҳаракатини кўриб чиқамиз, унинг учун аралашманинг уринма кучланиши қўйидаги кўринишда бўлади:

$$\tau_{cm} = \rho_{cm} L_T^2 \left(\frac{dV_{cm}}{dr} \right)^2, \quad (3)$$

бу ерда $L_T = \phi \sqrt{\frac{r}{R_0}} (R_0 - r)$. Инерция кучини катта таъсирини эътиборга олиб, қувурдаги аралашманинг ўртача тезлигини аниқлаш учун қўйидаги тенгламага келамиз:

$$\rho_{cm} \phi^2 (R_0 - r)^2 \frac{r}{R_0} \left(\frac{dV_{cm}}{dr} \right)^2 = \frac{\rho_{cm} g r J R_0}{2}, \quad (4)$$

бу ерда ϕ - Карман коэффициентлари, бунда $\phi = F \cdot \phi_0$.

$$F = \left(\frac{1 + \frac{f_2}{f_1} \hat{\rho} \frac{V_{20}^2}{V_{10}^2}}{1 + \frac{f_2}{f_1} \hat{\rho} \frac{Q_2^2}{Q_1^2}} \right)^{1/2}, \quad (5)$$

Сув учун $\phi_0 = 0.4$. Ўлчамсиз кўринишига келтириб оламиз

$$\frac{d\hat{V}_{cm}}{d\hat{r}} = \frac{1}{2\phi} \sqrt{\frac{J}{Fr}} \cdot \frac{1}{1-\hat{r}}.$$

Интеграллаб оламиз

$$\hat{V}_{cm} = \frac{1}{2\phi} \sqrt{\frac{J}{Fr}} \ln(1-\hat{r}). \quad (6)$$

Турли характердаги ҳаракатли иккита оқим орасидаги чегарани аниқлаш учун тенглама қўйидаги кўринишда бўлади:

$$1 - \hat{r}_* = \exp \left[\frac{2\phi \operatorname{Re}_{cm}}{16} \sqrt{\frac{J}{Fr}} \right]_0 (1 - \hat{r}_*^2) \quad (7)$$

Муаллақ чўкиндили аралашмани турбулент ҳаракатида горизонтал қувурдаги напор ва ишқаланиш йўқотиши бундай аниқланади

$$h_{mp} = \frac{\zeta_o}{2g} \left[V_1 + \frac{1-f_1}{f_1} V_2 \right]^2 - \left[\left(V_2 + \frac{f_2}{f_1} V_1 \right) \right]^2 \quad (8)$$


Унда напорни маҳаллий йўқотишлари қўйидагича аниқланади:

$$h_m = \zeta_m \cdot \frac{h_{mp}}{\zeta_{mp}} \quad (9)$$

Насос агрегатини тўлиқ напорини ўзгариши $J = \frac{dH}{dl}$ дан келиб чиққан ҳолда бу тенгликдан аниқланади

$$\frac{dH}{dl} = -\frac{d}{dl} \left(Z + \frac{P}{\rho g} + \frac{\alpha_1^* V_1^2 + \alpha_2^* V_2^2}{2g} \right) \quad (10)$$

(10) тенгламани сонли ечими учун дастур ишлаб чиқилган, амалга ошириш учун эса таркибида жуда кўп муаллақ чўкиндилар бўлган сувни олиб узатадиган насос станцияларда ҳақиқий ўлчанган қийматлар ишлатилган. Ҳисоблар натижасида напор йўқотилишининг сув сарфи ва сув аралашмаси ҳамда муаллақ чўкиндилар концентрациясига боғлиқлиги графиги тузилди (1-расм).



1-расм. Аралашманинг турли концентрациялари учун напор йўқотилишининг ўзгариш графиги

Тўртинчи “Сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси ҳаракатида напор йўқотилишини аниқлаш бўйича лаборатория тадқиқотлари” деб номланган бобида қувур ўтказгичлардаги напор йўқотилишини олинган назарий боғлиқликларнинг тўғрилигини текширишни аниқлаш ва тоза ҳамда


лойқали сув оқимлари учун қувур ўтказгичнинг характерли участкаларида напор йўқотилишининг ўзгариш характерини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижаси тахлил қилинган.

Кўйилган масалани амалга ошириш учун мавжуд бўлган гидравлик ускуналарни эътиборга олиб станд моделларида экспериментлар ўтказилган. Эксперимент ускунаси И.А.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Гидравлика ва гидроэнергетика” кафедрасининг гидравлика лабораториясида жойлашган. Напорли қувур ўтказгичнинг турли участкаларидаги гидравлик йўқотишларни аниқлаш масаласини тажрибада ўрганиш кўп факторли экспериментни ўтказишга олиб келади.


Тиниқ ва лойқа оқимли шароитлар учун напорли қувур ўтказгичнинг турли участкаларидаги напор ўзгаришининг умумий ҳолатини аниқлаш мақсадида олти серияда тажрибалар ўтказилди.

Ҳар бир серия модел қурилмадаги сарф қиймати ўзгарадиган минимум 4та тажрибани ўз ичига олади. Сарфлар қийматлари қўйидагича: $Q_1 = Q_{\max}$; $Q_2 = 0,6Q_{\max}$; $Q_3 = 0,3Q_{\max}$; $Q_4 = Q_{\min}$.


Ўтказилган тажриба тадқиқотлари натижалари бўйича гидравлик қаршилиқлар қийматининг ўзгариши сув сарфи қийматларига эмпирик боғлиқлиги 2, 3, 4, 5 расмларда келтирилган:




2-расм. Қувур ўтказгич узунлиги бўйича маҳаллий йўқотишлар



3-расм. Вентилдаги ишқаланишга кетган напор йўқотилиши



4-расм. Қувур бирданига кенгайганидаги напорнинг маҳаллий йўқотилиши



5-расм. Қувур бирданига торайганидаги напорнинг маҳаллий йўқотилиши

2, 3, 4, 5 расмларнинг тахлили бўйича эмпирик боғлиқликларнинг кўриниши:

- Қувур ўтказгич узунлиги бўйича гидравлик қаршиликлар учун:

$h = 1,4019 Q - 0,4095,$	$R^2 = 0,9800$
$h = 1,1130 Q,$	$R^2 = 0,9323$
$h = 0,5995 Q^2 + 0,2174 Q,$	$R^2 = 0,9868$
- Вентил учун:

$h = 0,6147 Q - 0,0464, Q > 0,0754,$	$R^2 = 0,9168$
$h = 0,4915 Q,$	$R^2 = 0,8703$
$h = 1,4608 Q^2 - 0,1235 Q,$	$R^2 = 0,9691$
- Қувур ўтказгичнинг бирданига кенгайиш жойи учун:

$h = 0,2407 Q - 0,0278, Q > 0,1155,$	$R^2 = 0,9419$
$h = 0,1682 Q,$	$R^2 = 0,8337$
$h = 0,6347 Q^2 - 0,0964 Q,$	$R^2 = 0,9658$
- Қувур ўтказгичнинг бирданига торайиш жойи учун:

$h = 0,4609 Q - 0,0437, Q > 0,0948,$	$R^2 = 0,9660$
$h = 0,3433 Q,$	$R^2 = 0,8866$
$h = 1,0668 Q^2 - 0,1058 Q,$	$R^2 = 0,9859$

бу ерда, R^2 – корреляция коэффиценти.

Келтирилган ҳолатларда тақсимлаш қонуни квадрат даражали боғлиқлик кўринишида бўлди. Тадқиқот натижаларининг корреляцияси нисбатан юқори бўлди ва келтирилган боғлиқликлар учун аппроксимация ҳақиқий катталиги 0,83 дан 0,98 оралиғида ўзгариб турди.

Бешинчи “Насос станциялар металл қувурлари ва бетон конструкцияларининг биологик коррозияси” деб номланган бобида дала кўзатув изланишлари ва лаборатория тахлил натижалари келтирилган бўлиб,

улар насос станцияларининг напорли қувур ўтказгичлари ва темир бетон конструкцияларининг биокоррозияли емирилишини ва бузилишини кўрсатади.

Муаллақ чўкиндиларнинг ҳаракатини ўрганиш шуни кўрсатди, сув оқимининг компонентлари таркибида абразив материаллар мавжуд эмас, чунки диаметри 0,01 мм дан юқори бўлган қумли материаллар насос станциясининг аванкамерасида чўкиб қолади, шунинг учун пўлат қувур ўтказгичнинг бутун ички юзасининг тўлиқ емирилиши кўзатилмади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, қувур ўтказгичнинг алоҳида участкаларидан, яъни, сурувчи қувур ва отстойникдан олинган лойқа, қум, занг ва сув намуналари хизмат қилди. Назорат сифатида келаётган каналдан станцияга тушадиган сув хизмат қилди. Микробиологик таҳлил умум қабул қилинган тадқиқотларнинг классик усулларида ўтказилган. Лаборатория кўзатув ишларида коррозия жараёнида қатнашадиган микроорганизмларнинг физиологик фаол гуруҳини аниқлаш учун қуйидаги озукавий муҳитлар ишлатилди:

- 1) микроорганизмларни сапрофит шакли учун балиқли гидролизат;
- 2) кислота ҳосил қилувчи микроорганизмларни аниқлаш учун глюкоза-минералли муҳит;
- 3) денитрификацияловчи бактерияларни аниқлаш учун Гильтай муҳити;
- 4) нитрификацияловчи бактериялар учун Виноградский муҳити;
- 5) мицелиал замбуруғлар учун Чапека муҳити;
- 6) темир-оксидловчи бактериялар учун 9К муҳити;
- 7) сульфатни қайта тикловчи бактериялар учун муҳит.

Суюқ намуналарнинг рН қиймати 6,8-7,2, қаттиқ намуналарнинг намлиги 10-20%, хлоридлар таркибда бўлиши 100 г қумда 60 мг гача ташкил этади.

Лаборатория таҳлиллари натижасида намуналарнинг кўпчилигида барча кўрсатилган гуруҳлардаги микроорганизмлар аниқланган. Энг кўп тарқалганлари эса кислота ҳосил қилувчи, денитрификацияловчи ва нитрификацияловчи бактериялардир. Сапрофитларнинг умумий сони 10^5 - 10^6 кл/мл, сув намуналарида кислота ҳосил қилувчилар эса 10^2 - 10^3 кл/мл ва қаттиқ намуналарда 10^4 - 10^5 кл/г ташкил этиб, тадқиқот қилинаётган объектларда микробли коррозия жараёнларининг содир бўлаётганлигини исботлади.

Ўтказилган тадқиқотлар “Шеробод” насос станцияси гидротехник иншоотларини, жумладан, станция биноси ва бино фундаменти иншоотининг мустаҳкамлиги ва қаттиқлигига хавф туғдирувчи агрессив таъсирларга учраётганини кўрсатди. Шунга кўра, тўғри тадбирларни танлаш фақат бетондаги кимёвий жараёнлар жойини чўқур ўрганишдан кейин аниқ бўлиши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шикастланган бетоннинг асосий қисми (78%) кальций ва магний карбонат ангидридидан ташкил этиши аниқланди. Бетон таркибида гипснинг кам бўлиши бетоннинг емирилиши олтингугурт натрийли тузидан бўлмаганлигини кўрсатди. Бетонда ёриқлар ҳосил бўлиши ва емирилиши бетондан сув ёрдамида оҳак ва магнезияни

чиқариб олиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Бу фақат карбонат ангидрид кислотасини карбонатларга таъсир этиш орқали сувда эрийдиган карбонат ангидридли оҳак олинади. Бетоннинг емирилиши ер ости суви таркибидаги карбонат ангидрид кислотаси таъсирида бўлмаслигини тушунтиради. Бетоннинг бу ҳолати учун бетоннинг емирилиш сабабини сув билан бирлашганда кристаллашадиган сульфоалюминат кальций, ёки “цемент бацилласи” деб номланадиган ($3\text{CaO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 3\text{CaSO}_4 + 3\text{OH}_2\text{O}$) бирикмадан қидириш керак, у сув билан бирикганда ўзининг ҳажмини 32 баробар оширади. Бу тахминлар кимёвий таҳлиллар ўтказиш натижасида тасдиқланди, бу эса бетон таркибида уларнинг цементга кўра 1,9 дан 5,9% оралиғида сульфат ангидриднинг мавжудлигини тасдиқлади, бинобарин портландцемент учун сульфат ангидриднинг максимал миқдори 2,5% дан ошмаслиги керак.

ХУЛОСАЛАР

“Гидравлический расчёт трубопроводов насосных станций в условиях подачи воды со взвешенными наносами” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Цилиндрик қувурдаги оқимнинг барқарор текис ҳаракати тенгламаси асосида сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси ҳаракати шароитида напор йўқолишини аниқлашга имкон берадиган боғлиқлик ифодаси олинди. Бу аналитик ифода напорли қувурнинг ишчи характеристикасини ўзгаришини аниқлаш имкониятини яратди.

2. Барқарор текис ҳаракатнинг асосий тенгламасини қўллаш асосида сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмасининг напорли қувурдаги гидравлик қаршилик ўзгаришининг сув сарфи ва чўкиндилар концентрацияси ўзгаришига нисбатан боғлиқлик $h = F(f, \rho, Q)$ қонунияти олинди. Бу қонуниятни амалиётда босимли қувурларда сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси ҳаракати шароитида қўллаш мумкинлиги тасдиқланди.

3. Лаборатория тажрибаларининг натижалари асосида гидравлик қаршиликлар қиймати ўзгаришининг сув сарфи қийматига нисбатан қўйидаги кўринишлардаги эмпирик боғлиқликлари олинди:

- Вентиль учун:

$h = 0,6147 Q - 0,0464, Q > 0,0754,$	$R^2 = 0,9168$
$h = 0,4915 Q,$	$R^2 = 0,8703$
$h = 1,4608 Q^2 - 0,1235 Q,$	$R^2 = 0,9691$
- Қувур ўтказгичнинг бирданига кенгайган участкаси учун:

$h = 0,2407 Q - 0,0278, Q > 0,1155,$	$R^2 = 0,9419$
$h = 0,1682 Q,$	$R^2 = 0,8337$
$h = 0,6347 Q^2 - 0,0964 Q,$	$R^2 = 0,9658$
- Қувур ўтказгичнинг бирданига тораядиган участкаси учун:

$h = 0,4609 Q - 0,0437, Q > 0,0948,$	$R^2 = 0,9660$
$h = 0,3433 Q,$	$R^2 = 0,8866$
$h = 1,0668 Q^2 - 0,1058 Q,$	$R^2 = 0,9859$

Бу эмпирик боғлиқлик ифодалар лойқали сув оқимлари учун напорли қувурларда гидравлик қаршиликни аниқлаш имкониятини берди.

4. Қувурларнинг ички қисмидан олинган намуналарда ўтказилган микробиологик изланишлар натижасида темир кемирувчи "Callionella" ва "Sperotilus" туридаги бактериялар ҳамда "Aspergillus" туридаги кислота ҳосил қилувчи замбуруғлар мавжудлиги аниқланиб, напорли қувурларни биологик коррозиядан химоя қилишнинг катодли химоялаш усулини қўллаш таклиф этилди. Катодли химоялаш усулини дала кўзатув шароитида напорли қувурларда қўллаганда биологик коррозиянинг тезлигини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

5. Насос станцияларининг напорли қувурларида биоген элементларнинг чўкма ҳосил қилиш динамикасининг гидравлик модели яратилди ва бу эса напорли қувурларда қувур узунлиги бўйича тақсимланган чўкиндиларнинг қатлам қалинлигини аниқлаш имкониятини беради.

6. Тадқиқот натижалари сув ва муаллақ чўкиндилар аралашмаси ҳаракати шароитида ишлайдиган напорли қувурларнинг хавфсиз, самарали ишлашини таъминлаш ҳамда экологик ва иқтисодий хавфнинг олдини олиш имкониятини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И
ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ**

УТЕМУРАТОВ МАХСЕТ МАРАТОВИЧ

**ГИДРАВЛИЧЕСКИЙ РАСЧЕТ ТРУБОПРОВОДОВ НАСОСНЫХ
СТАНЦИЙ В УСЛОВИЯХ ПОДАЧИ СМЕСИ ВОДЫ СО
ВЗВЕШЕННЫМИ НАНОСАМИ**

05.09.07- Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Т.134.

Диссертация выполнена в Научно–исследовательском институте Иригации и водных проблем.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Махмудов Илхомжон Эрназарович
доктор технических наук, профессор.

Официальные оппоненты:

Гловацкий Олег Яковлевич
доктор технических наук, профессор.

Рахимов Кудратжон Тошботирович
доктор философии по техническим наукам (PhD)

Ведущая организация:

Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров иригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, Ташкент, Кари-Ниязий, 39. тел./факс: тел.: (99871) 237-22-67; 237-22-09, факс: (99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров иригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № _____). Адрес: 100000, Ташкент, Кари-Ниязий, 39. тел (99871) 237-22-67.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2018 года).

Т.З.Султанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

А.А.Янгиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

А.М.Арифжанов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, важными вопросами считаются: определение значений гидравлического сопротивления, возникающих при напорном движении смеси воды и взвешенных наносов; создание методов усовершенствования гидравлического моделирования динамики отложения биогенных элементов. В связи с этим, определение процесса формирования наносов по длине трубопровода, а также, усовершенствование метода расчета гидравлических сопротивлений аналитическими уравнениями имеет особое значение. По данному направлению в США, Германии, России, Китае и других экономически-развитых странах, особое внимание уделяется проектированию насосных станций работающих в условиях подачи воды с взвешенными наносами и уменьшению влияния на них взвешенных наносов потока в целях обеспечения безопасной работы.

В мире особое значение имеет проведение целевых научно-исследовательских работ, направленных на разработку научно-обоснованных методов определения гидравлических сопротивлений в напорных трубопроводах насосных станций в условиях подачи воды со взвешенными наносами и усовершенствования гидравлической модели отложения биогенных элементов в напорных трубопроводах. В этой связи, одной из важных задач является проведение научных исследований по определению толщины отложений по длине трубопровода и совершенствованию методов их расчета аналитическими уравнениями. Вместе с этим, необходимыми задачами являются расчет значений гидравлического сопротивления, влияющего на трение напорных трубопроводов при движении смеси воды и взвешенных наносов, расчет величины потерь напора при движении потока воды с взвешенными наносами на основе уравнений установившегося равномерного напорного движения жидкости в водоводе, обоснование влияния отложений во внутренней части трубопроводов на развитие биокоррозионных процессов.

На сегодняшний день в республике осуществляются широкие комплексные мероприятия по использованию современных компьютерных технологий для обеспечивающих эффективное использование водных ресурсов, гидротехнических сооружений и надежность напорных трубопроводов насосных станций, по предотвращению биологической коррозии, обусловленную отложением биогенных элементов и определению гидравлических сопротивлений с учетом концентрации наносов в трубопроводах. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности определены задачи по "... развитию мелиоративных и ирригационных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики"¹. Осуществление этих мероприятий, в том числе определение гидравлических сопротивлений в условиях подачи воды со взвешенными наносами и научные изыскания по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан".

совершенствованию гидравлического моделирования динамики отложения биогенных элементов играют важную роль.

